



## МАҲРГА БЕРИЛГАН КИТОБ

### Қамбаров Аъзам Мухаммадали ўғли

Халқаро ислом академияси “Ислошунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси кат. ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10730313>

#### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> February 2024

Accepted: 27<sup>th</sup> February 2024

Online: 29<sup>th</sup> February 2024

#### KEYWORDS

Бадоиъ, Саноиъ, Косон, никоҳ, маҳр, фарз, вожиб, суннат, суннати сония, вакил, гувоҳ, мусулмонлар жамоаси, далил, ижмоъ, қиёс, истехсон, асл, усул, фуруъ, жоиз, рационал фикрлаш усули, ислом, имон, шарият, нафақа, вожиб.

#### ABSTRACT

Мақолада Имом Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобини Фотима бинт Алоуддин Самарқандий (Фотима Самарқандия)га уйланиш маросимида маҳр сифатида қабул қилиниши масаласининг шаръий-фиқҳий жиҳатларига эътибор қаратилади. Шариятдаги Никоҳ ва Маҳр тамойилларига доир мавжуд бўлган далилларга илмий тадқиқотчилик нуқтаи назардан ёндошилади. Бунда ислом дини шарият қонунлари қаторида жаҳон тамаддунида мавжуд фикрлар ва қарашларга ҳам таянилади.

Мақолада ўртага ташланаётган фикрлар ҳанафийлик эътиқодий йўналиши методологик тамойиллари ва анъанавий усуллари талабларига риоя қилинган ҳолда шакллантирилади. Никоҳ ва маҳр борасидаги фикрлар Самарқандлик фиқҳ олими Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобида ва умуман Марказий Осиё диёрида, хусусан Республикамизда жорий қилинган фиқҳий қоидалар ва юридик далилларга таянган ҳолда замонавий меъёрлар асосида мушоҳада қилинади.

#### КИРИШ

Малик ал-уламо<sup>1</sup>, Султон ал-уламо (уламолар султони)<sup>2</sup>, ва Алоуддин (динни улуғловчи)<sup>3</sup> каби унвонлар билан шуҳрат қозонган Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (р.х) Самарқанд фиқҳ мактаби йирик устозларидан бири Алоуддин Мухаммад

<sup>1</sup> Ибн Адим. Буғят ат-талаб. – Ж. X. – Б. 43.

<sup>2</sup> Зириклий. Аълум. – Ж. 2. – Б. 70; Умар Ризо Қаххола. Мўъжам ал-муаллифин тарожим ал-мусаннифин ал-кутуб ал-арабийя. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. (бундан кейин: Қаххола. Мўъжам ал-муаллифин.) – Ж. 3. – Б. 75.

<sup>3</sup> Тошқўбри Зода. Мифтох ас-саъода. – Ж. II, 273-74 б.



ибн Аби Ахмад Самарқандийнинг (ваф. 539/1191 й.)<sup>4</sup> қўлида таҳсил олиб шариат билимлари билимдони бўлиб етишган Маворауннаҳрлик кучли олимдир.

“Талабалик йилларида устозининг “Тухфат ал-Фуқаҳо”, “Шарҳ Таъвилот фи Тафсир ал-Қуръон ал-Азим” каби асарларини ёд олади ва усул ва фуруъ<sup>5</sup> илмларининг етук билимдонига айланади.”<sup>6</sup>

Абдулқолир Қураший<sup>7</sup>нинг “Жавоҳир ал-музийя” асарида, Лакнавий “Фаваид ал-бахийя”сида Абу Бакр Косонийнинг Бухорода Абул Юср Паздавий, Абул Муъин Насафий ва Мажд ал-аимма Сурхакатийлардан таълим олгани таъкидланган. Мазкур уламолар Алоуддин Самарқандийнинг ҳам утозлари ҳисобланади.

“Абу Бакр Косоний Бухорода, кейинчалик Шом ўлкаларида замонасининг буюк муҳаддисларидан дарс олиб, ҳадис эшитган ва кейинчалик Шом диёрларида кўп йиллар ҳадисдан талабаларга дарс берган.”<sup>8</sup>

Абу Бакр Косоний устозининг фикҳга оид “Тухфат ал-фуқаҳо” номли китобини шарҳлаб, “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) номли катта ҳажмдаги асар ёзади ва устозига тақдим қилади. Ушбу асар фикҳ илмининг энг эътиборли манбаларидан бирига айланади. Бу борада Ҳофиз Абдулқодир Қураший ўзининг “Жавоҳир ал-музийя” асарида Косонийни “Буюк асар бўлмиш “Бадоиъ”нинг муаллифидир”<sup>9</sup>, дея таърифлайди. Ҳожи Халифа ўзининг “Кашф аз-зунун” номли асарида: “Имом Абу Бакр ибн Масъуд Косоний устозининг китоби “Тухфат ал-фуқаҳо”га уч жилддан иборат буюк шарҳ битиб, уни “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) деб номлади. Дарҳақиқат, бу китоб исми жисмига монанддир”<sup>10</sup>, дея эътироф этади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (р.х) ҳам “Бадоиъ ас-саноиъ фии тартиб аш-шароиъ” асарининг аҳамияти борасида “барча уламоларнинг таҳсини ва мақтовига мушарраф бўлган, катта шухрат қозонган китобдир”<sup>11</sup>, дея баҳо берган эдилар.

Машҳур шофеей олим Шамсуддин Хасрушоҳий<sup>12</sup> Камолиддин ибн Адим билан Қоҳирада учрашганида: “Фақиҳларингиздан Косонийнинг “Бадоиъ” асарини ўқиб

<sup>4</sup> Қаранг: М.М. Комилов. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва “Тухфат ал-Фуқаҳо” асарининг аҳамияти, ном..дисс... Тошкент 2000. (бундан кейин: М.Комилов. диссертация.) – Б. 62.

<sup>5</sup> Фикҳ илмининг икки асосий йўналиши бўлиб. “Усулул-фикҳ” ва “Фуруъул-фикҳ” деб ҳам юритилади. “Усулул-фикҳ” асосий манбалар (Қуръон ва ҳадислар)дан ҳукмларни чиқариб олиш йўллари белгилаб берувчи қоидалар. “Фуруъул-фикҳ” эса, усулул-фикҳда белгиланган қоида ва усуллар орқали асосий манбалардан чиқариб олинган амалий ҳукмлар мажмуаси бўлиб, фикҳ илмининг тармоқлари ёки соҳаларини ташкил қилади. Соддароқ қилиб айтилса, усул – қоидалар тўплами, фуруъ – ушбу қоидалар асосида ечилган ҳуқуқий масалалар мажмуасидир.

<sup>6</sup> Ибн ал-Адим. Бўғят ат-талаб. – Ж: Х. – Б. 42.

<sup>7</sup> Шайх Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Муҳаммад Қураший ҳижрий 692-775 йиллар яшаган. Ҳадис, фикҳ ва тарих илмларигаилмларига оид асрлар ёзган. Жумладан: “ал-Иноя фи таҳрижи аҳадис ал-Ҳидоя”, “Жавоҳир ал-музийя” ва бошқалар.

<sup>8</sup> Ибн ал-Адим. Бўғят ат-талаб. – Ж: Х. – Б. 42.

<sup>9</sup> Қураший. Жавоҳир ал-музийя. – Ж: IV. – Б. 25.

<sup>10</sup> Ҳожи Халифа. Кашфу аз-зунун. – Ж: V. – Б. 193.

<sup>11</sup> Шайх Мўхаммад Содиқ Мўхаммад Юсуф. “Бадоиъ ас-Саноиъ фи тартиб аш-Шароиъ” асари ҳақидаги саволга жавоб. [www.islom.uz](http://www.islom.uz)

<sup>12</sup> Аллома Шамсуддин Абдулҳумайд ибн Исо Хасрушоҳий машҳур шофеей фақиҳи бўлиб. 580/1184 йил Табриз шаҳрига қарашли Хасрушоҳ қишлоғида туғилган. Фахруддин Розийдан узоқ вақт таълим олганидан кейин



чиқдим ва лол қолдим. Ҳозиргача бирор фақиҳ бу каби асар ёзган эмас”<sup>13</sup>, деган фикр билдирган. Умуман олганда, Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (р.х) қаламига мансуб “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ”, қисқача номи “Бадоиъ” асари барча мазҳаб вакилларининг мурожаат этадиган манбасидир.

Алоуддин Самарқандийнинг Фотима исмли қизи бўлган.

“Фотима бинти Муҳаммад Самарқандийя (ваф. 1187 й.)<sup>14</sup> замонасининг барча илмларини тўлиқ ўзлаштирган ўткир ақл-заковат ва гўзал ҳусн соҳибаси бўлганлиги манбаларда келтирилган.”<sup>15</sup> “Отасининг “Тухфат ал-фуқаҳо”, “Шарҳ Таъвилот аҳл ас-сунна” каби асарларини ёддан билган ва фатво бериш даражасига етишган эди.”<sup>16</sup>

Шунингдек, Фотима Самарқандийя моҳир ҳаттот бўлиб, отаси томонидан берилган фатволарни қоғозга кўчирар эди.

Алоуддин Самарқандий ўз шогирди ёзган бу китобнинг услуб ва мазмуни юксак савияда бажарилганидан хурсанд бўлади ва қизнинг маҳрига “Бадоиъ” кўйилиши шарт билан қизи Фотимани унга никоҳлаб беради, шундай қилиб, Фотима бинти Алоуддин Самарқандийнинг маҳрига бўлажак кўеви Абу Бакр Ал-Косонийнинг “Бадоиъ ас-Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” китоби кўйилади.

Фиқҳ олими, улкан билим соҳиби Алоуддин Самарқандий шогирди Абу Бакр Ал-Косоний ва қизи Фотима ўртасида никоҳ ўқитиш маросимида Абу Бакр Ал-Косонийнинг “Бадоиъ ас-Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобини маҳр ўрнига қабул қилинишига рухсат берганлиги воқеаси никоҳ амалиётидаги маҳр масаласи кўп қиррали мавзу эканлигига ишора қилади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/104720>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.// URL:<https://lex.uz/docs/180552>
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири.Т.: “Tafsir-books” нашриёти . 2023 – 624 б.
4. Алимов Усмонхон. Расулulloҳнинг муборак васиятлари. Тошкент. “Мавворауннаҳр” – 2014. 403Б.
5. Мансуров. А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 618 б.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, “Саҳиҳи Бухорий” 1-2-том. – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиев А., таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” -2008. 633-бет.

---

Шомга бориб, у ердаги уламолардан дарс олди. Сўнг Карк вилояти подшоҳи Носир Довуд ҳузурига бориб бир муддат истиқомат қилади. Кейинроқ яна Шомга, Дамашқга қайтиб 652/1254 йили вафотига қадар у жойда яшаб қолади. У киши фақиҳ, усулий ва мутакаллим олим бўлган ва “Мухтасар ал-муҳаззаб фил-фиқҳ”, “Мухтасару мақолоту Ибн Сино” ва “Татиммат ал-Оёт ал-баййинот” номли асарлар ёзган. Қаранг: Тожуддин Субкий. Табақот аш-шофеийя ал-кубро. – Байрут: Дор кутуб ал-илмийя, 1995. – Ж. VIII. – Б. 161.

<sup>13</sup> Ибн Аъдим. Буғят ат-талаб. – Ж. X. – Б. 42.

<sup>14</sup> Қураший. Жавоҳир ал-музийя. – Ж. V. – Б. 25; Ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожум. – Б. 84.

<sup>15</sup> Қураший. Жавоҳир ал-музийя. – Ж. IV. – Б. 122; Лакнавий. Фаваид ал-бахийя. – Б. 158.

<sup>16</sup> Қураший. Жавоҳир ал-музийя. – Ж. IV. – Б. 122; Лакнавий. Фаваид ал-бахийя. – Б. 158.



8. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “بواتف ناخيضقلا” (Қозихон фатвоси), 7-жилд. Байрут: “Дарул фикр”, 2010. – 376 б.
9. Юсупова Н. Ж. “Ислонда оила ҳуқуқи: ўқув қўлланма”. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.
10. Тошқулов Ж., Юсупова Н., Бекмирзаев И., Сарсенбаев А., Масаидов С. / Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов. Ислон ҳуқуқшунослиги: ўқув қўлланма – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
11. Мансурова Н. М. Фахруддин Ўзгандийнинг эр-хотиннинг мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 8-13. <https://uzmarkaz.uz/uploads/2023/01/urist-ahborotnomasi20224son.pdf>
12. Тошниёзова Г. Махр – аёлнинг ҳақи. Унинг миқдори қанча ва қандай адо қилинади? Мақола. muslim.uz. - Апр 19, 2021 <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/263081>.